

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.04.2021.Т.106.04 РАҚАМЛИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВ ШОҲРУХ ШЕРМАҲМАТОВИЧ

**КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАНГАН СОДА КОРХОНАСИНИ
КАЛЬЦИЙЛИ ЧИҚИНДИЛАРИ, СИЛИКАТ КОМПОНЕНТЛАРИ ВА
УЛАР АСОСИДА МАҲСУЛОТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

02.00.15 – Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.04.2021.Т.106.04 РАҚАМЛИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВ ШОҲРУХ ШЕРМАҲМАТОВИЧ

**КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАНГАН СОДА КОРХОНАСИНИ
КАЛЬЦИЙЛИ ЧИҚИНДИЛАРИ, СИЛИКАТ КОМПОНЕНТЛАРИ ВА
УЛАР АСОСИДА МАҲСУЛОТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

02.00.15 – Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD./Т3021 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент кимё - технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ferpi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Мирзакулов Холтура Чориевич
техника фанлари доктори, профессор

Юнусов Миржалил Юсупович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Сабиров Бахтиёр Тохтаевич
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Шеркузиев Дониёр Шермаатович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Диссертация химояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Т.106.04 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг «30» март 2023 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150107, Фарғона ш., Фарғона кўчаси, 86. Тел.: (99873) 241-12-06; факс: (99873) 241-12-06; e-mail: ferpi_info@edu.uz).

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150107, Фарғона ш., Фарғона кўчаси, 86. Тел.: (99873) 241-12-06).

Диссертация автореферати 2023 йил «17» март куни тарқатилди.
(2023 йил 17 мартдаги №2-рақамли реестр баённомаси).



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда дунёда саноат чиқиндиларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш долзарб муаммо ҳисобланади. Чунки чиқиндилар нафақат корхона атрофидаги аҳолининг соғлиги учун зарарли балки уларнинг моддий ва манавий эҳтиёжларини ҳам қисман чеклайди. Бу муаммоларни бартараф этиш учун саноат чиқиндиларини қайта ишлаш ва улар асосида маҳсулотлар олиш муҳимдир. Саноат чиқиндилари, хусусан сода ишлаб чиқариш корхоналарнинг қаттиқ ва суюқ чиқиндиларини қайта ишлаш ва чиқиндиларни утилизация қилиш илмий ва амалий нуқтаи назардан ҳам муҳимдир. Ушбу корхоналарнинг фильтр-пресс шламларини (ФПШ) комплекс қайта ишлаб корхона учун натрий хлорид эритмалари ва бетон маҳсулотларининг физик-механик хоссаларини яхшиловчи кўшимчалар ва қаттиқ кальцийли чиқиндиларидан (ҚКЧ) эса бетонлар учун йирик ва майда тўлдирувчилар сифатида қўллаб иқтисодий ва экологик муаммони қисман бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида бетоннинг турли физик-механик хоссаларини яхшиловчи кўшимчалар ишлаб чиқариш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, чиқиндилардан унумли фойдаланиш, бетонларининг турли физик-механик хоссаларини яхшилаш мақсадида саноат чиқиндиларидан кўшимча ва тўлдирувчилар олиш технологияларини ишлаб чиқиш; ФПШларини комплекс қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш натижасида сода олиш жараёнига натрий хлорид эритмаларини қайтариш; қурилиш маҳсулотлари учун эса кўшимча ва тўлдирувчилар олиш; ушбу корхоналарнинг юқори рентабелликга эришиш ва карбонат тўлдирувчили бетонлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда сода ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, диверсификация қилиш, янги ишлаб чиқариш объектларини яратиш, янги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, импорт ўрнини босадиган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат чиқиндиларини комплекс утилизация қилиш бўйича кенг кўламли чоратadbирлар амалга оширилиб, муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясининг «Ноанъанавий норуда хомашё ва иккиламчи ресурсларни жалб этган ҳолда қурилиш материаллари ҳажмини 2 мартага кўпайтириш, «Яшил иқтисодиёт» доирасида чиқиндисиз технологияларни яратиш ва жорий этиш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Республикамиздаги мавжуд хомашё ресурслари, жумладан «Қўнғирот сода заводи» АЖнинг чиқиндиларидан ФПШни комплекс қайта ишлаб кальцинацияланган сода олиш учун натрий хлорид эритмалари ва бетон маҳсулотларининг физик-механик хоссаларини яхшилайдиган, импорт ўрнини босадиган кўшимчалар олиш технологияларини ривожлантириш ҳамда ҚКЧларини эса бетон маҳсулотлари олишда йирик ва майда тўлдирувчилар сифатида қўллаш иқтисодий ва экологик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий техник адабиётларда сода корхонасини қаттиқ ва суюқ чиқиндиларини утилизация қилиш, улар асосида турли маҳсулотлар олиш бўйича юртимиз олимларидан: Т.А.Атакузиев, Н.А.Сирождидинов, М.Искандарова, З.А.Мухамедбаева, Х.Ч.Мирзакулов, А.У.Эркаев, М.Ю.Юнусов, Р.Р.Тожиев, Н.Х.Толипов, Ш.А.Қўлдошева, У.А.Ёқубов, А.М.Искандеров, О.С.Бобоқулова, М.С.Джандуллаева, Қ.Д.Реймов ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган. Ушбу олимларнинг ишларида асосан сода корхонасининг чиқиндилари асосида турли силикат материаллар, ювиш воситаларига қўшилувчи қўшимчалар, оролбўйи кумтупроқларини маҳкамловчилар, суюқ ва қаттиқ мураккаб ўғитлар олишда хомашё сифатида фойдаланилган.

Турли хил бетонларнинг таркибига карбонат тўлдирувчилар киритилиши, уларни хоссалари турли шароитларда қотиши ва ушбу бетонларнинг қурилиш ишлари учун яроқлилигини тасдиқловчи хорижий олимларининг илмий тадқиқотлар натижалари адабиётларда келтирилган. Жумладан, Ю.М.Боженев, А.А.Воробьев, В.Д.Черепов, П.В.Зозуля, Н.С.Шелихов, В.К.Козлова, М.А.Михеенков, О.А.Красильникова, А.С.Гусенков, R. V. Silva, Fatih Bektas, Чан Тхи Тху Ха, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор олимларидан Х.Қулдашев, Х.Х.Абдусатторов, Х.А.Акрамов, Х.Н.Нуритдинов ва Э.Касимов ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борилган. Ушбу олимларнинг ишларида асосан турли оҳактош конларининг турли бетон маркаларига тўлдирувчи сифатида киритилишида бетонларнинг хоссаларига таъсири ўрганилган бўлиб бетонларнинг турли физик-механик хоссаларининг ўзгариши кузатиб борилган ва бир қатор ижобий натижалар олинган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-2015-7-20 «Паст ҳароратда куйдириб

туффитлар асосида фаол гидравлик қўшимчалар» (2015-2016 й.) мавзусидаги инновацион лойиҳаси ҳамда №06/10 «Қўнғирот сода заводи» АЖ чиқиндиси – дистеллер суюқлиги ва фильтр-пресс шламини утилизация қилиб гипс, галит, кальций нитрат, натрий нитрат ва магний сульфат олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2010-2011 й.) мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сода ишлаб чиқариш корхоналарини ФПШлари ва турли ҚКЧларини комплекс қайта ишлаб натрий хлорид эритмаси, силикат компонентлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сода корхонаси ФПШларининг таркибидаги натрий хлоридни ажратиб олиш жараёнини тадқиқ этиш;

ФПШлари ва силикат материаллари асосида олинган қўшимча ва тўлдирувчиларни қурилиш материаллари олиш жараёнида қўллашнинг мақбул технологик омилларини аниқлаш;

сода корхоналарининг майда фракцияли оҳактошлари чиқиндиси (СКМФОЧ), оҳакни сўндириш жараёнига парчаланмай қолган оҳактошлар чиқиндиси (СКОСЖПҚОЧ), оҳактош қумлари чиқиндиси (СКОҚЧ) ва силикат материаллари иштирокида турли маркали бетон маҳсулотлари олишнинг мақбул технологик коэффициентларини ўрнатиш;

сода корхоналарининг йирик ва майда тўлдирувчилар сифатида қўлланилаётган бетон маҳсулотларини физик-кимёвий ва товар хоссаларини ўрганиш;

сода корхоналарининг йирик ва майда тўлдирувчилар сифатида қўлланилаётган бетон маҳсулотлари олишни самарадорлигини техник иқтисодий асослаш;

сода корхонаси чиқиндилари ва силикат материаллари асосида бетонлар олиш технологиясини апробация қилиш ва синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сода корхонасини ФПШ, СКМФОЧ, СКОСЖПҚОЧ, СКОҚЧлари, ПЦ М400 Д20 “КАРАКАЛПАК” портландцементи, қум, шағал ва чақиктош олинган.

Тадқиқотнинг предметини фильтр-пресс шламларни натрий хлориддан тозалаш, СКМФОЧ, СКОСЖПҚОЧ, СКОҚЧ ва NaClдан тозаланган ФПШларидан турли маркали бетонлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кимёвий ва физик-кимёвий, шунингдек спектроскопик (рентгенографик, ИҚ-спектроскопик, рентген флуоресценция спектроскопияси, сканерловчи электрон микроскоп) таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сода корхоналари ФПШларидан сув ва айланма эритмалар иштирокида натрий хлоридни ажратиб кальцинацияланган сода жараёни учун натрий хлорид эритмалари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кальций-, магний карбонатли қўшимча ва тўлдирувчилар олиш жараёнининг мақбул шароитлари аниқланган ва технологик омилларнинг ўзаро таъсири қонуниятлари асосланган;

таркибидан натрий хлорид ажратиб олинган ФПШини силикатли қўшимча ва тўлдирувчилар сифатида қўллаб турли маркали бетонлар олиш жараёнининг мақбул шароитлари аниқланган;

сода корхонасининг ҚКЧларини физик-кимёвий ва физик-механик хоссалари ва улар асосида турли маркали бетонлар олишнинг мақбул технологик омиллари ҳамда иккиламчи ва бирламчи хомашёларнинг мақбул нисбатлари аниқланган;

ФПШлари ва ҚКЧларини комплекс қайта ишлаб сода корхоналари учун натрий хлорид эритмалари, қурилиш материаллари учун қўшимча ва тўлдирувчилар ҳамда улар асосида бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг моддий баланслари тузилган ва технологик схемалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сода корхоналари ФПШларини сув ва айланма эритмалар иштирокида натрий хлорид эритмалари ажратиб олиб кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш жараёни учун натрий хлорид эритмалари олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган;

натрий хлорид ажратиб олинган шламларни турли маркали бетонлар учун қўшимчалар сифатида қўллашнинг мақбул технологияси ишлаб чиқилган;

сода корхонасининг қаттиқ кальцийли чиқиндиларини йирик ва майда тўлдирувчилар сифатида қўллаб улар асосида турли маркали бетонлар олишнинг технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, сода корхоналари чиқиндиларини утилизация қилиш билан натрий хлорид эритмалари кальцинацияланган сода жараёнига қайтарилиши ва ҚКЧларни эса физик-кимёвий ва физик-механик хоссалари бўйича йирик ва майда тўлдирувчилар ўрнини босувчи хомашё сифатида қўллашнинг илмий асослари, таркибидан натрий хлориди ажратиб олинган ФПШдан бетоннинг турли хоссаларини яхшиловчи қўшимчалар сифатида қўллашнинг илмий асослари яратилиши, ушбу чиқиндиларнинг йирик ва майда тўлдирувчилар сифатида бетон таркибига киритилишини мақбул таркиблари ишлаб чиқилиши ва турли маркали бетонлар олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти, сода корхонасининг ҚКЧдан турли маркали бетонлар олиш бўйича чиқиндиларнинг ҳар хил нисбатларида турли маркали бетонлар олиш технологияси ишлаб чиқилиб, ушбу чиқиндилар таркиб ва механик хоссалари эвазига анъанавий тўлдирувчилар ўрнини боса олади ҳамда улар асосида юқори маркали бетон маҳсулотлари олишга ва кўп миқдорда чиқиндиларни утилизация қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Комплекс қайта ишланган сода корхонасининг ҚКЧлари, ФПШлари ва силикат компонентлар асосида натрий хлорид эритмаси ва турли маркали бетонлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ФПШидан сув ва айланма эритмалари иштирокида натрий хлорид эритмасини ажратиб олиш ва таркиби асосан кальций ва магний карбонатлари

ва гидроксидларидан иборат бўлган қаттиқ фазасини қурилиш материаллари учун қўшимча ва тўлдирувчилар сифатида қўллаш технологияси «BINOKOR TEMIR BETON SERVIS» МЧЖ ҚҚнинг «2023-2030 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («BINOKOR TEMIR BETON SERVIS» МЧЖ ҚҚнинг 2022 йил 10 октябрдаги 01-сон маълумотномаси). Натижада, сода корхоналарига натрий хлорид эритмасининг қайтарилиши ҳисобига натрий хлорид ва сувдан фойдаланиш даражасини ошириш имконини беради;

ҚҚЧларни турли фракцияларга ажратиб қурилиш маҳсулотлари олиш учун қўшимча ва тўлдирувчилар сифатида қўлаб турли маркали бетонлар олиш технологияси «BINOKOR TEMIR BETON SERVIS» МЧЖ ҚҚнинг «2023-2030 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («BINOKOR TEMIR BETON SERVIS» МЧЖ ҚҚнинг 2022 йил 10 октябрдаги 01-сон маълумотномаси). Олинган қўшимча ва тўлдирувчиларни қурилиш ва силикат материаллари ишлаб чиқаришда қўллаш эвазига маҳсулот сифатини ошириш, таннархини пасайтириш ва қўшимча импортини камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертация ишининг «Сода корхоналари чиқиндиларини қайта ишлаш ва маҳсулотлар олишнинг замонавий ҳолати» деб номланган **биринчи бобда** сода корхонасининг турли қаттиқ ва суюқ чиқиндиларини қайта ишлаш, бетонларнинг структурасини шакллантиришда минерал қўшимчалар ва тўлдирувчиларнинг таъсири ҳамда карбонат тўлдирувчили бетонлар ишлаб чиқариш тўғрисида батафсил хорижлик ва Ўзбекистон олимларини илмий тадқиқот ишлари ўрганилаётган масалалар бўйича илмий-техник адабиётлар маълумотларини таҳлил қилинган. Сўнгги йилларда

хорижий ва Ўзбекистон олимларининг илмий, техник адабиётлари ва патент материалларини қиёсий тахлили асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертация ишининг «**Дастанлабки хомашёлар тавсифи, тадқиқот объекти ва усуллари**» деб номланган **иккинчи боби** тадқиқот объектнинг тавсифлари, тажрибаларни ўтказиш услублари, ҳамда олинган маҳсулотларни кимёвий ва физик-кимёвий ҳамда физик-механик шунингдек спектроскопик усуллар билан таҳлил қилишга бағишланган.

Диссертациянинг «**Сода корхонасининг фильтр-пресс шламли чиқиндиларини натрий хлориди эритмаси ва силикат компонентларига қайта ишлаш жараёни тадқиқоти**» деб номланган **учинчи бобида** сода корхонасининг фильтр-пресс шламларини (ФПШ) дастанлабки наъмуналари таркибидаги натрий хлоридни сув ва айланма эритмалар билан тозалаш ва олинган натрий хлорид эритмасини кальцинацияланган сода олиш цехига қайтариш ҳамда қаттиқ фазасини эса қурилиш материалларининг сифатини яхшиловчи қўшимча сифатида қўллаш жараёнига бағишланган.

Сода корхонасининг чиқинди сифатида ташланадиган ФПШларини ўртача кимёвий таркиби қуйидагича, (оғир. %): CaCO_3 -57,38; $\text{Mg}(\text{OH})_2$ -13,37; NaCl -21,93 ва эримас қисм-7,32. Ушбу натижаларни замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари ҳам исботлади (1-расм).



1-расм. Рентген-флуоресценция спектрометри элементар таҳлили график чизмаси

Рентген-флуоресценция спектрометри орқали амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра ФПШнинг таркиби асосан CaCO_3 , $\text{Mg}(\text{OH})_2$, NaCl , MgSiO_3 , NaCO_3 , NaSO_4 ва эримас қолдиқдан иборатлигини кўрсатди.

ФПШларини натрий хлориддан тозалаш бўйича тажриба ишлари 30°C ҳароратда олиб борилган бўлиб аралаштириш қаттиқ:суюқ (Қ:С) фазаларнинг турли нисбатларида олиб борилди. Қ:С фазанинг мақбул 1:2,0 нисбатда ФПШлари таркибидаги натрий хлориднинг суюқ фазага ўтиш кинетикаси ўрганилди. Жумладан 5; 10; 15 ва 20 дақиқа мобайнида ФПШ таркибидаги натрий хлориднинг суюқ фазага ўтиш даражаси мос равишда 43,99%; 65,30%; 77,60% ва 86,01% ни, 25; 30; 35 ва 40 дақиқаларда эса мос равишда 90,42%;

92,95%; 94,71% ва 95,97% ташкил этди. Дастлаб натрий хлориднинг эритмага ўтиш даражаси юқори бўлиб, эритмада натрий хлорид концентрацияси ва эритманинг тўйиниш даражасини ортиши натижасида 25-40 дақиқа оралиғида натрий хлориднинг эритмага ўтиши нисбатан камаяди.

ФПШ суспензиясининг тиниш даражаси ва чўкиш тезлиги турли ҳарорат ва дақиқаларда ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал


Сода корхонаси ФПШ чиқиндисини натрий хлориддан ювиш жараёнида тиниш даражаси ва чўкиш тезлигининг вақтга боғлиқлиги

Ҳарорат, °С	Вақт, дақиқа						
	2	4	6	8	10	12	14
	Тиниш даражаси, оғир. %						
20	73,01	87,07	91,12	94,22	96,09	97,14	97,91
40	78,32	90,95	93,97	96,12	97,30	98,07	98,37
60	83,62	94,82	96,81	98,01	98,81	98,99	99,24
Чўкиш тезлиги, м/соат							
20	1,44	0,91	0,64	0,47	0,35	0,29	0,18
40	1,67	1,22	0,79	0,57	0,42	0,30	0,21
60	1,89	1,53	0,94	0,67	0,48	0,34	0,23

ФПШларини сув ва айланма эритмалар иштирокида Қ:С нисбати 1:2,0 бўлган суспензиясининг тиниш даражаси эритма ҳарорати ва тиндириш давомийлиги ортиши билан 8 дақиқагача бўлган муддатда нисбатан тез, кейинги дақиқаларда секин ортиб боради. 10 дақиқада ҳарорат 20°Сдан 60°Сгача ортганда тиниш даражаси 96,09%дан 98,81%га, яъни 2,72% ортади.

Чўкиш тезлиги ҳарорат 20°Сдан 60°Сгача ортиши билан 1,44 м/соатдан 1,89 м/соатгача ортиб боради, аммо чўкиш вақти давомийлиги ортиши билан 8 дақиқагача бўлган муддатда нисбатан тез, кейинги дақиқаларда секин ортиб боради. Яъни, 10 дақиқада ҳарорат 20°Сда 0,35 м/соатни ташкил этган бўлса, худди шу ҳароратда 14 дақиқада 0,18 м/соат гача ортади. Буни асосий сабаби, дастлаб нисбатан йирик ўлчамли зарралар чўкишини, кейин эса майда зарралар чўкиши билан изоҳланади.

ФПШдан натрий хлоридни сув ва айланма эритмалар билан турли нисбатларда ажратиб олиш жараёнидаги суспензия ва филтратнинг реалогик хоссалари 10; 30 ва 50°С ҳароратларда ўрганилди. ФПШни дастлабки суспензиясининг зичлиги Қ:С фазаларни 1:2,0 нисбатида ҳарорат 10 дан 50°С гача ортиб бориши билан 1,124 дан 1,086 гр/см³ гача камайиб боради, аммо суспензиянинг қовушқоқлиги эса худди шу нисбат ва ҳароратларда 1,164 дан 2,296 см²/соатгача ортиб боради. Тажриба натижалар шуни кўрсатдики суспензия таркибидаги магний бирикмаларининг эркин сувни қисман гидратлар кўринишида боғлаши эвазига суспензиянинг қовушқоқлиги ортиши кузатилди. Филтратланган эритманинг зичлиги ва қовушқоқлиги Қ:С фазалар нисбати ва ҳарорат ортиб бориши билан бир хил камайиб боради. ФПШни шлам ва сувнинг турли нисбатларида натрий хлориднинг суюқ фазага ўтиш даражаси ўрганилди ва тадқиқот натижалари 2-расмда келтирилди.




2-расм. Сода корхонасини фильтр-пресс шламини натрий хлориддан сув билан турли нисбатларда ювилиш даражаси. 1 - 20 дақиқа аралаштиришда; 2 - 30 дақиқа аралаштиришда (30°C харорат)

Сода корхонасини ФПШли чиқиндиси таркибидаги натрий хлоридни тозаланиш даражаси ҳар хил нисбатларда ювилишида 20 ва 30 дақиқа мобайнида 30°C да аралаштиришда турлича тозаланиш даражасини кўрсатди. Жумладан, Қ:С нисбати 1:1.0 бўлганда 20 дақиқа давомида аралаштиришда 64,95%, 30 дақиқада эса 68,82% натрий хлориди суюқ фазага ўтди. Шлам таркибида қолган натрий хлориднинг миқдори эса 20 дақиқада 7,36% ни, 30 дақиқада эса 6,83% ни ташкил этди. Қ:С нисбати ортиб бориши билан 20 дақиқада давомида аралаштиришда натрий хлориднинг суюқ фазага ўтиш даражаси куйидагича ортиб борди: 1:1.5 - 73,92%; 1:2.0 - 86,01%; 1:2.5 - 90,95%; 1:3.0 - 92,14%. 30 дақиқа давомида аралаштиришда эса куйидагича ортиб борди: 1:1.5 - 78,13%; 1:2.0 - 90,42%; 1:2.5 - 93,67%; 1:3.0 - 95,22%. Шлам таркибида қолган натрий хлорид миқдори эса мос равишда куйидагича камайиб борди: 20 дақиқада-1:1.5 - 5,48%; 1:2.0 - 2,93%; 1:2.5 - 1,90%; 1:3.0 - 1,65%. 30 дақиқада аралаштиришда-1:1.5 - 4,79%; 1:2.0 - 2,10%; 1:2.5 - 1,38%; 1:3.0 - 1,04%.

Тадқиқотлар натижасида ФПШларидан сув ва айланма эритма билан натрий хлоридни ажратиб олиш жараёнининг мақбул Қ:С фаза нисбати 1:2,0 бўлиб, таркибидан NaCl ажратилган ФПШнинг кимёвий таркиби куйидагича (оғир. %). CaCO₃-72,06; Mg(OH)₂-16,34; NaCl-2,93; э.қ.-8,67. Бу натижаларни ўтказилган замонавий физик-кимёвий таҳлил натижалари ҳам исботлади.


Замонавий ва юқори самарали энергия дисперсли рентген-флуоресценция спектрометри орқали NaCl ажратиб олинган шламнинг минералогик ва элементар тақибини таҳлил қилинди ва якуний натижалар олинди (3-расм).



3-расм. NaClдан ювилган филтър-пресс шламнинг рентген-флуоресценция спектрометри элементар таҳлили график чизмаси

Рентген-флуоресценция спектрометри амалга оширилган тажриба натижаларидан шуни кўрсатдики, сода корхонасининг ФПШнинг таркибидаги асосий моддаларнинг миқдори (CaCO_3 , $\text{Mg}(\text{OH})_2$ ва э.қ.) ортанлиги ва NaCl миқдори эса камайганлигини кўрсатди.

Шунингдек, ФПШдан сув ва айланма эритмалар иштирокида NaClни ажратиб кальцинацияланган сода олиш учун NaCl ва бетон маҳсулотлари учун эса қўшимчалар ишлаб чиқаришнинг хомашёлар сарфини моддий баланси тузилган ҳамда технологик схемаси ишлаб чиқилган (4-расм).




4-расм. Сода корхонасини филтър-пресс шлами чиқиндиси таркибидаги натрий хлоридни ювиш жараёнинг технологик схемаси.

1-сиғим идиши; 2-аралаштиргич; 3-насослар; 4-тиндиргич; 5-вакуум-филтър; 6-йиғичлар; 7-барабан куритгич; 8-ёқилғи газ; 9-валикли майдалагич.

ФПШни NaClдан тозалаш жараёнида олинadиган NaClли эритмаси кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш жараёнига қайтарилadi, натижада корхонанинг туздан фойдаланиш даражаси 84% дан 89% гача ортади. NaClдан тозаланган ФПШни эса бетоннинг турли физик-механик хоссаларини яхшиловчи қўшимча сифатида фойдаланилди. Чунки ушбу қўшимчалар пуццоланли фаоллик хусусиятига эга. Мақбул таркибда бетон таркибига киритилган ФПШ таркибидаги кам миқдордаги NaCl эса цементининг алюминий таркибли фазалари билан кальций гидрохлоралюминатлари $\text{C}_3\text{A}\cdot\text{NaCl}\cdot 10\text{H}_2\text{O}$ ($N_p=1,54$ ва $N_p=1,534$; $d_M=7,96\cdot 10^{-10}$ гексоганал кристаллар) ҳосил қилади.

ФПШлари қўшилган бетон намуналарининг сканерловчи электрон микроскоп таҳлили натижалари 5-расмда келтирилган.



5- расм. Натрий хлориддан тозаланган ФПШлари қўшилган бетон намуналарининг микроскопик таҳлили. а-100 мк; б-2 мк.

Сканерловчи электрон микроскоп ёрдамида ўтказилган таҳлил натижаларига кўра NaClдан тозаланган ФПШлари мақбул таркибларда киритилган бетон намуналари 100 микрон (а) яъни, 100 мартагача катталаштирилганда шламлар ва уларни ўраб турган цемент минераллари кўринди. Ушбу таҳлил жараёнини 2 мк, яъни 2000 мартагача яқинлаширилганда ФПШларининг барча минераллари цемент минераллари билан ўзаро зич структура ҳосил қилганлиги аниқланди. Структуравий таҳлиллар эса ушбу минераллар цементнинг гидрокарбоалюминат ва гидрокарбохлорид минералларининг комбинацияланган бирикмаларига тегишли эканлиги кўрсатди. Бу эса қаттиқ фазада майда кристалли паст асосли модификацияланган натрий гидросиликатлари миқдори ортишига ва бу бетоннинг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда юқори совуқбардошлилик хусусиятини ортишига олиб келади. Ушбу натижаларни замонавий физик-кимёвий таҳлиллар ҳам тасдиқлади.

Диссертациянинг «**Сода корхонасининг кальцийли чиқиндилари асосида силикат компонентлари ва улар асосида маҳсулотлар олиш жараёни тадқиқоти**» деб номланган тўртинчи бобида сода корхонасининг ҚКЧларини намуналарнинг физик-кимёвий ва физик-механик хоссалари тегишли давлат андозаси талаблари асосида синовлардан ўтказилган ҳамда турли бетон маркалари учун йирик ва майда тўлдирувчилар сифатида қўллашнинг давлат стандартларига жавоб берадиган мақбул технологик кўрсаткичлар ишлаб чиқишга асосланган.

Ушбу ҚКЧларининг дастлабки намуналари йириклик модули бўйича фракцион таркиблари ўрганилди ва унга кўра СКМФОЧ ва СКОСЖПҚОЧлар йирик тўлдирувчилар, СКОҚЧ эса майда тўлдирувчилар сифатида бетонлар таркибига киритиш орқали бетонларнинг мустаҳкамлиги ва физик-механик хоссаларини яхшилаш мумкин.

Чунки цемент таркибидаги алюминатли бирикмалар минераллари-учкальцийли алюминат C_3A ва тўрткальцийли алюмоферритни гидратацияланишида куб модификацияли кальций алюминат асосий минералидан $3CaO \cdot Al_2O_3 \cdot 6H_2O$ ташқари, кальцийнинг карбонатли тузлари билан ўзаро таъсирланиши натижасида янги гидрат бирикма - кальций

гидрокарбоалюминати $3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot\text{CaCO}_3\cdot 11\text{H}_2\text{O}$ ёки магний гидрокарбоалюминатларнинг зич кристаллари ҳам шаклланади. турли нисбатларда ҳам шундай. Бетон маҳсулотларини ўрганиш натижалари 2-3 жадвалда келтирилган.

M400 маркали бетонлар учун анъанавий тўлдирувчилар (чақиқтош) ва СКМФОЧнинг ўзаро турли нисбатларида йирик тўлдирувчилар сифатида бетон маҳсулотлари учун қўлланилган. Олинган бетонлар натижалар ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

СКМФОЧ қўшилган бетон наъмуналарини сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги

Хомашё, оғир. %		Вақт бўйича бетон мустаҳкамлиги, МПа					
Тўлдирувчи (чақиқтош)	СКМФОЧ 5-20 мм	3 кун	7 кун	28 кун	90 кун	180 кун	360 кун
100	-	13,07	27,92	40,43	46,55	52,71	58,22
90	10	13,12	28,00	40,51	46,62	52,80	58,31
85	15	13,28	28,04	40,56	46,65	52,83	58,36
80	20	13,72	28,08	40,64	46,69	52,85	58,39
75	25	13,91	28,10	40,70	46,73	52,88	58,42
70	30	13,96	28,13	40,77	46,75	52,91	58,46
65	35	14,08	28,15	40,81	46,78	52,95	58,48
60	40	14,11	28,17	40,88	46,82	52,98	58,53
55	45	14,13	28,18	40,92	46,85	53,02	58,58
50	50	14,21	28,20	41,00	46,87	53,05	58,61
45	55	14,15	28,21	41,06	46,90	53,09	58,64
40	60	14,03	28,22	41,13	46,92	53,11	58,66
35	65	13,80	28,20	41,86	46,91	53,08	58,69
30	70	13,46	28,17	40,92	46,86	53,01	58,65
25	75	13,41	28,13	40,79	46,81	52,95	58,59
20	80	13,30	28,07	40,66	46,77	52,87	58,52
15	85	13,22	27,98	40,50	46,70	52,76	58,40
10	90	13,02	27,90	40,35	46,63	52,67	58,32

2-жадвалдан кўринадики, M400 маркали бетонлар таркибига СКМФОЧ 65% гача миқдорда қўшилганда бетон наъмуналари мустаҳкамлиги ортиб боришини кўрсатди. 90% миқдорда қўшилганда бетон наъмуналари мустаҳкамлиги 99,8% га, яъни давлат андозаси талаблари (ГОСТ 10180-2012) дан 0,2% га пасайиши кузатилди. Энг юқори кўрсаткичлар СКМФОЧ бетон таркибига 60-65% миқдорларда киритилганда кузатилди. 65% СКМФОЧ қўшилган бетон наъмуналари 28 кунлик даврида мустаҳкамлик 103,5% ни ташкил этди. Ушбу маркали бетонлар учун анъанавий тўлдирувчилар (чақиқтош) ва СКОСЖПҚОЧнинг ўзаро турли нисбатларида йирик тўлдирувчилар сифатида бетон маҳсулотлари учун қўллаш имкониятлари кўриб чиқилди. Тадқиқот натижаларига кўра ушбу M400 маркали бетон таркибига СКОСЖПҚОЧ киритилишида бетон мустаҳкамлиги маълум даражада ошишига, аммо бу чиқиндиларни мақбул миқдордан ошиши натижасида эса бетон мустаҳкамлик кўрсаткичини камайишига олиб келди. M400 маркали бетонлар учун СКОСЖПҚОЧ бетон таркибидаги мақбул

миқдорлари анъанавий тўлдирувчиларга нисбатан 60-65% миқдорда киритилиганда намоён бўлиши исботланди. Анъанавий тўлдирувчиларга нисбатан 60-65% миқдорда киритилган бетон наъмуналари 28 кунлик даврида 102,6% мустаҳкамлик чегарасини намоён қилади.

Ушбу маркали бетонлар учун анъанавий тўлдирувчилар (чақиқтош) ва СКОСЖПҚОЧнинг ўзаро турли нисбатларида йирик тўлдирувчилар сифатида бетон маҳсулотлари учун қўллаш имкониятлари кўриб чиқилди.

Тадқиқот натижаларига кўра ушбу М400 маркали бетон таркибига СКОСЖПҚОЧ киритилишида бетон мустаҳкамлиги маълум даражада ошишига, аммо бу чиқиндиларни мақбул миқдордан ошиши натижасида эса бетон мустаҳкамлик кўрсаткичини камайишига олиб келди. М400 маркали бетонлар учун СКОСЖПҚОЧ бетон таркибидаги мақбул миқдорлари анъанавий тўлдирувчиларга нисбатан 30-35% миқдорда киритилиганда намоён бўлиши исботланди. Анъанавий тўлдирувчиларга нисбатан 30-35% миқдорда киритилган бетон наъмуналари 28 кунлик даврида 102,6% мустаҳкамлик чегарасини намоён қилади.

СКОҚЧни майда тўлдирувчилар сифатида М400 маркали бетонлар учун кварц куми билан ўзаро турли нисбатларида бетонлар таркибига киритиш имкониятлари кўриб чиқилди ва натижалар 3-жадвалда келтирилди.


3-жадвал

СКОҚЧлари қўшилган бетон мустаҳкамлиги


Хом ашё, оғир. %		Вақт бўйича бетон мустаҳкамлиги, МПа					
Кум	СКОҚЧ	3 кун	7 кун	28 кун	90 кун	180 кун	360 кун
100	-	13,07	27,92	40,43	46,55	52,71	58,22
90	10	13,16	27,93	40,48	46,64	52,79	58,33
85	15	13,21	27,96	40,57	46,67	52,82	58,38
80	20	13,25	28,00	40,68	46,71	52,86	58,41
75	25	13,27	28,06	40,75	46,74	52,89	58,45
70	30	13,31	28,09	40,83	46,78	52,93	58,48
65	35	13,33	28,06	40,98	46,79	52,97	58,53
60	40	13,36	28,06	41,11	46,81	53,00	58,58
55	45	13,38	28,07	41,23	46,86	53,04	58,63
50	50	13,41	28,09	41,36	46,88	53,08	58,68
45	55	13,43	28,10	41,58	46,93	53,06	58,67
40	60	13,38	28,06	41,04	46,82	52,94	58,60
35	65	13,37	28,02	40,47	46,67	52,77	58,47
30	70	13,34	27,94	40,39	46,50	52,51	58,31

3-жадвалдан кўринадикки М400 маркали бетонлар олиш учун майда тўлдирувчилар сифатида СКОҚЧнинг бетон таркибига киритилиши бетон мустаҳкамлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Ушбу чиқиндиларнинг бетон таркибига қўшишини мақбул қийматлари аниқланди. Жумладан СКОҚЧ анъанавий кум миқдорига нисбатан 45; 50; 55 ва 60% миқдорда бетон таркибига киритилишида энг юқори мустаҳкамликни намоён қилди. Давлат андозаси (ГОСТ 10180-2012) бўйича синовдан ўтказилганда СКОҚЧнинг 55% киритилишида бетон наъмуналари 28 кунлик даврида 102,8% мустаҳкамликга эришди.


Ушбу чиқиндиларнинг макбул таркибда қўшилган бетон наъмуналари рентгенографик таҳлил усуллари ёрдамида таҳлил қилинди (4-6 расмлар).



4-расм. СКМФОЧлари қўшилган бетон наъмуналарининг рентгенографик таҳлили




5-расм. SKOSJPKOChлари қўшилган бетон наъмуналарининг рентгенографик таҳлили



6-расм. SKOQChлари асосида олинган бетон наъмуналарининг рентгенографик таҳлил натижалари

Сода корхонасининг турли қаттиқ кальцийли қаттиқ чиқиндилари асосида олинган бетон наъмуналарининг рентгенографик таҳлил натижаларига кўра ушбу чиқиндилар қўшилган бетон наъмуналарининг таркибида цемент минераллари ва цементнинг алюминатаркибли минераллари билан фаол реакцияга киришиб гидратация жараёнида текисликлараро масофалар $d=0,383; 0,338; 0,276$ нм ларида ўрта интенсивликдаги дифраксион чизиқларини ҳосил бўлиши аниқланди. Бу янги бирикмалар кальций гидрокарбоалюминатлар $3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot\text{CaCO}_3\cdot 11\text{H}_2\text{O}$ нинг мураккаб бирикмаси мавжудлигини кўрсатди.

Шу билан бирга, сода корхонасини ҚҚЧлари қўшилган бетон наъмуналарининг структуравий тузилиши ва ушбу чиқиндиларнинг цемент минераллари билан ўзаро боғланиш соҳаларини замонавий сканерловчи электрон микроскоп ёрдамида таҳлил қилинди, натижалар эса 7-расмда келтирилди.



СКМФОЧ

SKOSЖПҚОЧ

SKOҚЧ

7-расм. Сода корхонасининг ҚҚЧлари мақбул таркибларда киритилган бетон наъмуналарини тўлдирувчи ва цементнинг ўзаро туташ соҳаларини 2000 мартагача катталаштирилган микроскопик таҳлили

Ушбу расмдан кўринадикки сода корхонасининг ҚҚЧларининг цементоши билан ўзаро туташ соҳаларида гидрокарбоалюминатлар ҳосил бўлгани эвазига мустаҳкам боғланган. Шундай қилиб, ушбу чиқиндилар киритилган бетон наъмуналарининг мустаҳкамлигига асосий сабаб ушбу тўлдирувчилар қўшилган наъмуналарда цементни гидратацияланиш ва гидролизланиш жараёнлари фаол кечиши туфайли ўз-ўзидан вакуумланиш сегментация жараёни ҳосил бўлади ҳамда йирик тўлдирувчи доначалари остида йирик ғоваклар йўқотилишига олиб келади ва бу цемент тоши билан илашишни оширади. Карбонатли тўлдирувчиларга эга бетон аралашмалари бошқа тўлдирувчиларга қараганда кўпроқ сувталаблик хусусиятини намоён қилади. Чунки карбонатли тўлдирувчиларнинг умумий ҳўлланиш юзаси зич тўлдирувчиларнинг умумий ҳўлланиш юзасига нисбатан юқори. Шунинг учун карбонатли тўлдирувчига эга бетонларда солиштирма цемент сарфини ўзгариши қаттиқ зарраларнинг умумий майдони катталигига нисбатан кам таъсир кўрсатади. Сода корхонасининг ҚҚЧлари йирик ва майда тўлдирувчилар сифатида бетон таркибига 100% миқдорда киритилишида

3. ФПШларини ювиш жараёнида суспензия ва суюқ фазаларнинг реологик хоссалари, яъни Қ:С нисбати 1÷1,5-2,0 ва 30°С ҳароратда суспензиянинг зичлиги 1,121÷1,145 гр/см³, қовушқоқлиги эса 1,437÷1,437 см²/с; фильтратнинг зичлиги 1,038÷1,035 гр/см³, қовушқоқлиги эса 1,018÷1,021 см²/с ни ташкил этишини тажрибалар асосида тадқиқ қилинди.

4. Тадқиқотлар натижасида ФПШларидан натрий хлоридни ажратиб олиш даражаси Қ:С фазалар нисбати 1:2,0 бўлганда 86,01% ни ва айланма эритмаларни такрорий қайта ишлатиш карралиги 3 ни ташкил этиши тадқиқотлар натижасида аниқланди.

5. Натрий хлориддан тозаланган ФПШларини бетоннинг физик-механик хусусиятларини яхшиловчи қўшимчалар сифатида киритилишида хомашёларнинг нисбатлари ва мақбул таркиблари ишлаб чиқилди ва бетоннинг М200 дан М400 гача бўлган маркаларига NaClдан тозаланган ФПШларини 5-15% оралиғида киритилиш мақбул кўрсаткич эканлиги исботланди.

6. Сода корхонасининг ҚКЧларини (СКМФОЧ; СКОСЖПҚОЧ ва СКОҚЧ) турли маркали бетонлар олишда қўллаб, уларнинг 28 кунлик давридаги мустаҳкамлик кўрсаткичлари аниқланди: СКМФОЧ тўлдирувчиси қўлланилганда М200 - 17,88 МПа, М400 - 41,86 МПа; СКОСЖПҚОЧ - М200 - 17,15 МПа, М400 - 41,48 МПа; СКОҚЧ - М200 - 17,64 МПа, М400 - 41,58 МПани ташкил этди ва анъанавий тўлдирувчиларга нисбатан мустаҳкамлик 3-5% га ортиши аниқланди.

7. Сода корхонасининг СКМФОЧ ва СКОСЖПҚОЧни турли нисбатларда йирик тўлдирувчилар сифатида қўллаганда анъанавий тўлдирувчиларни М200 ва М400 маркали бетонлар олишда мос равишда 90%, 75% гача, СКОҚЧ ва NaClдан тозаланган ФПШни майда тўлдирувчилар сифатида қўллаганда М200 ва М400 маркали бетонлар учун мос равишда 95% ва 55% гача алмаштириш имконини бериши асосланган.

8. Техник-иқтисодий ҳисоблардан кўринадики, «Кўнғирот сода заводи» АЖнинг йиллик ҳосил бўладиган чиқиндилари: ФПШни комплекс қайта ишлаб олинган натрий хлорид эритмасини сода олиш жараёнига қайтариш ва қурилиш маҳсулотларининг физик-механик хоссаларини яхшиловчи қўшимчалар олиш натижасида иқтисодий самарадорлик 3,71 млрд. сўмни ҳамда ҚКЧларини йирик ва майда тўлдирувчилар сифатида фойдаланиш натижасида эса 959,09 млн. сўм иқтисодий самара олиш мумкинлиги исботланган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Т.106.04 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ФЕРГАНСКОМ
ПОЛИТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИЧЕСКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

РАЖАБОВ ШОХРУХ ШЕРМАХМАТОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЯ КОМПЛЕКСНОЙ ПЕРЕРАБОТКИ
КАЛЬЦИЕВЫХ ОТХОДОВ СОДОВОГО ПРОИЗВОДСТВО,
СИЛИКАТНЫХ КОМПОНЕНТОВ И ИЗДЕЛЕЙ НА ИХ ОСНОВЕ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

02.00.15 – Технология силикатных и тугоплавких неметаллических материалов

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.3.PhD./T3021.

Диссертационная работа выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.ferpi.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный руководители:

Мирзакулов Холтура Чориевич
доктор технических наук, профессор

Юнусов Миржалил Юсупович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сабиров Бахтиер Тухтаевич
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Шеркузиев Дониёр Шермаатович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-строительный институт

Защита диссертации состоится «30» марта 2023 года в «14⁰⁰» часов на заседании разового Научного совета DSc.03/30.04.2021.T.106.04 по присуждению научных степеней при Ферганском политехническом институте по адресу: 150107, г. Фергана, ул. Ферганская, 86. Тел.: (99873) 241-12-06, факс: (99873) 241-12-06, e-mail: ferpi_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского политехнического института (зарегистрирован под №2). (Адрес: 150107, г. Фергана, ул. Ферганская, 86. Тел.: (99873) 241-12-06.

Автореферат диссертации разослан «17» марта 2023 года.
(реестр протокола рассылки №2 от «17» марта 2023 года).



Ш.Ш. Хамдамова
Председатель разового научного совета, по присуждению учёных степеней, д.т.н., доц.

Р.М. Назирова
Ученый секретарь разового научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.(PhD) по т.н.

Р.Р. Тожиев
Председатель разового научного семинара при разовом совете по присуждению ученой степени, д.т.н. (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время утилизация и переработка промышленных отходов является актуальной проблемой в мире. Потому что отходы не только вредят здоровью населения вокруг предприятия, но и частично ограничивают их материальные и моральные потребности. Чтобы устранить эти проблемы, важно перерабатывать промышленные отходы и получать продукты на их основе. В связи с чем, переработка промышленных отходов, особенно твердых и жидких отходов предприятий по производству соды, и утилизация отходов является важной как с научной, так практической точки зрения. Существует возможность частичного устранения экономической и экологической проблемы за счет использования фильтр-прессовых шламов (ФПШ) этих предприятий в качестве растворов хлорида натрия и добавок, улучшающих физико-механические свойства бетонных изделий и твердых кальциевых отходов (ТКО) в качестве крупных и мелких наполнителей для бетона.

В глобальном масштабе проводится научные исследования для производства добавок, улучшающие различные физико-механические свойства бетона. В связи с этим разработка технологий получения добавок и наполнителей из промышленных отходов с целью эффективного использования отходов, улучшения различных физико-механических свойств их бетона; возврат растворов хлорида натрия в процесс получения соды в результате разработки технологии комплексной переработки ФПШ; и получение добавки и наполнители для строительных изделий; особое внимание уделяется достижению высокой рентабельности этих предприятий и производству бетона с карбонатным наполнителем.

В последние годы в нашей республике реализованы масштабные мероприятия по модернизации и диверсификации предприятий по производству соды, созданию новых производств, выпуску новой конкурентоспособной продукции, выпуску экспорто-замещающей продукции, комплексной утилизации промышленных отходов, достигаются конкретные научно-практические результаты. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 гг. отмечено, что объем строительных материалов следует увеличить в 2 раза, расширить сырьевую базу за счет вовлечения нетрадиционных нерудных сырьевых и вторичных ресурсов, разработать и внедрить безотходную технологию в рамках «Зеленой экономики»¹. В связи с этим, имеющееся в республике сырье, в том числе отходы АО «Кунградский содовый завод», используются для комплексной переработки фильтр-прессовых шламов, растворов поваренной соли с получением кальцинированной соды, разработки технологий получения добавки, улучшающие физико-механические свойства бетонных изделий, замещающие импорт, а также твердые кальциевые отходы и использование их в качестве крупных и мелких наполнителей при производстве бетонных изделий имеет важное экономическое и экологическое значение.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и ПП-4937 от 28 декабря 2020 года «О мерах по реализации Инвестиционной программы Республики Узбекистан на 2021-2023 годы», ПП-4992 от 13 февраля 2021 года «О дальнейшем реформировании и финансовом укреплении предприятий химической промышленности, мерах по развитию производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью», ПП-4335 от 23 мая 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов», а также в других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В научно-технической литературе нашей страны вопросы утилизации твердых и жидких отходов содового предприятия и производства различных продуктов на их основе вели научные исследования: Т.А.Атакузиев, Н.А.Сирождидинов, М.Искандарова, З.А.Мухамедбаева, Х.Ч.Мирзакулов, А.У.Эркаев. Также научные исследования проводились Ю.Юнусовым, Р.Р.Тожиевым, Н.Х.Толиповым, Ш.А.Кулдошевой, У.А.Якубовым, А.М.Искандеровым, О.С.Бобокуловой, М.С.Джандуллаевой, К.Д.Реймовым и другими. В работах этих ученых отходы содового завода в основном использовались как сырье для получения различных силикатных материалов, в виде добавки к моющим средствам, в качестве стабилизаторов островных песков, жидких и твердых комплексных удобрений.

